

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАДЖИБАЕВ ЗОКИР МАЛИКОВИЧ**

**ИҚТИСОДИЁТНИ ЭКОЛОГИК БОШҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ**  
**ИЛМИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.13 – Менежмент**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

**Докторлик (DSc) диссертация автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the of Doctoral (DSc) dissertation Abstract**

**Таджибаев Зокир Маликович**

Иқтисодиётни экологик бошқариш жараёнларининг илмий-методологик асосларини такомиллаштириш..... 3

**Таджибаев Зокир Маликович**

Совершенствование научно-методологических основ процессов экологического управления экономикой..... 33

**Tajibaev Zokir Malikovich**

Improving the scientific and methodological foundations of the processes of environmental management of the economy..... 63

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of publications..... 68

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАДЖИБАЕВ ЗОКИР МАЛИКОВИЧ**

**ИҚТИСОДИЁТНИ ЭКОЛОГИК БОШҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ**  
**ИЛМИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.13 – Менежмент**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.DSc/Iqt330 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Фаттахов Адхам Азизович**

иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Абдурахманов Қаландар Ходжаевич**

Академик, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Йўлдошев Нуриддин Қурбонович**

иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Хамидов Обид Хафизович**

иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон машинасозлик институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2020.I.16.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел: (99871) 239-01-49; факс: (99871) 239-41-23; e-mail: [tdiu@tsue.uz](mailto:tdiu@tsue.uz).)

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-74)

Диссертация автореферати 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Г.К. Абдурахмонова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**Р.Х. Карлибаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.д., профессор

**Ш.Дж. Эргашходжаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда глобаллашув жараёнларининг ҳаддан ташқари жадаллашуви шароитида ишлаб чиқариш миқёслари ва аҳоли сонининг ошиши табиатга антропоген таъсирни кескин ортишига олиб келган асосий омиллар бўлиб, у ҳозирги замон жамиятини тобора кўпроқ экологик инқирозга яқинлаштирмоқда. Экологик инқирозни бартараф этиш учун иқтисодий фаолиятга сарф қилинган табиий ресурслар ва атроф-муҳитга келиб тушаётган чиқиндиларни комплекс, тўлиқ ва ҳар томонлама баҳолаш ва бошқариш зарурати кучаймоқда. «Шубҳасиз, экология мавзуси замонавий дунёда ўта муҳим: атроф-муҳитни ифлослантириш билан боғлиқ глобал муаммо фақат жаҳондаги мутлақ кўпчилик мамлакатларнинг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари билан ҳал этилиши мумкин. Европа Иттифоқи мазкур ҳолатда ишлаб чиқариш ва истеъмолни талаб этилаётган стандартга келтириш, «Европа яшил битими» доирасида чиқиндилар чиқаришни 1990 йилдаги даражага таққослаганда 2030 йилда 55 %дан кам бўлмаган даражада қисқартиришга эришишда мувофиқлаштирилган сиёсатнинг намунаси ҳисобланади»<sup>1</sup>.

Мазкур мақсадларга бюджет маблағларини кўпроқ ажратадиган давлатлар қатъий равишда афзалликларга эга бўлса-да, бироқ бутун инсоният келажагига тааллуқли превентив дастурлар ҳозирча кўп эмас. Айрим мамлакатлар ёки минтақаларда (масалан, Европа Иттифоқи) бундай дастурлар мавжуд бўлса-да, улар ҳозирча локал тавсифга эга бўлиб, кўпроқ барқарор ривожланишнинг муҳим, лекин ягона бўлмаган жиҳатлари – экологик муаммоларни ҳал этишга қаратилган барқарор ривожланиш илмий концепциясини яратиш долзарб бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда ҳозирги шароитда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг муҳим шarti бўлган экологик мувозанатни таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг аҳамиятли омилига айланиб бораётган экологик бошқарувнинг самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Иқтисодиётни экологик бошқариш жараёнларининг таркибий қисмлари, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва зиддиятлар, уларнинг яхлит механизм сифатида амал қилиши, миллий иқтисодиётни экологиялаштириш концепцияси, институционал-экологик меъёрлар тизими билан тавсифланувчи экологик тадбиркорликни рағбатлантиришнинг иқтисодий ва ташкилий механизмлари, атроф-муҳитни ифлослантиришга квоталар бозорини ривожлантириш масалалари бу борадаги илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, «яшил иқтисодиёт»ни таркиб

---

<sup>1</sup>Соколов Р.Н., Рогожина Е.М., Тихомирова А.Д. Современная экологическая политика Евросоюза: борьба за ресурсы и конфликт интересов в различных сегментах рынка // Конфликтология / nota bene. – 2022. – № 2. – С. 75-86. DOI: 10.7256/2454-0617.2022.2.37793 EDN: NECUFB URL: [https://nbpublish.com/library\\_read\\_article.php?id=37793](https://nbpublish.com/library_read_article.php?id=37793)

топтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг 80-мақсадида «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳар ва туманларда экологик аҳволни яхшилаш, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш»<sup>2</sup> йўналишларига доир қатор муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали амалга оширилиши мамлакатда табиий ресурслардан фойдаланишни ташкил этиш ва баҳолашда ижтимоий-иқтисодий ва экологик омилларни комплекс ҳисобга олиш, ер участкаларидан фойдаланиш самарадорлигини параметрик кўп омилли баҳолаш, оқилона қарорлар қабул қилиш, самарали бошқарув тузилмасини шакллантириш, ижтимоий-экологик-иқтисодий тизимлар доирасида бу жараённи инновацион бошқаришни такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқот ишларининг бажарилишини тақозо этади.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 7 сентябрдаги ПФ-6061-сон «Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 21 апрелдаги ПФ-5024-сон «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 3 октябрдаги ПҚ-3956-сон «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ-2915-сон «Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 декабрдаги 794-сон «Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуи ва қишлоқ хўжалигида рақамлаштириш тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 январдаги 29-сон «Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги, 2018 йил 26 ноябрдаги 958-сон «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида илмий-тадқиқот базасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони. – [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

## **Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.**

Иқтисодий-экологик бошқариш жараёнларининг илмий-методологик асосларини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Global Food Policy Research Institute, Washington DC, Harvard University, New York University, Michigan State University (АҚШ), Oxford University, University of Manchester, London school of Economics (Буюк Британия), Organisation for Economic Cooperation and Development (OECD) (Франция), Toronto University (Canada), University of Vaseda (Япония), Тимирязов номидаги Россия қишлоқ хўжалиги академияси, Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодий университети (Россия), Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент давлат иқтисодий университети, Тошкент молия институтида амалга оширилмоқда.

Жаҳонда иқтисодий-экологик бошқариш жараёнларининг илмий-методологик асосларини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган илмий тадқиқотларда қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, атроф-муҳитни ифлосланишини пасайтириш (Rurbonomics – International Food Policy Research Institute, IFPRI, Washington), Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш (Toronto University), ижтимоий-иқтисодий-экологик бошқаришнинг кўрсаткичлари тизими (Плеханов номидаги Россия иқтисодий университети,), минтақаларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш учун инновацион кластерларни ташкил этиш (ТДИУ), ер ресурсларини инновацион бошқаришнинг экологик жиҳатлари (Фарғона давлат университети).

Дунёда иқтисодий-экологик бошқариш жараёнларининг илмий-методологик асосларини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг муҳим шарти бўлган экологик мувозанатни таъминлаш; ишлаб чиқаришнинг аҳамиятли омилига айланиб бораётган экологик бошқарув самарадорлигини ошириш; иқтисодий-экологик бошқариш жараёнларининг таркибий қисмлари, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва зиддиятлар, уларнинг яхлит механизм сифатида амал қилишини таъминлаш; миллий иқтисодий-экологиялаштириш концепцияси, институционал-экологик меъёрлар тизими билан тавсифланувчи экологик тадбиркорликни рағбатлантиришнинг иқтисодий ва ташкилий механизмларини шакллантириш; атроф-муҳитни ифлослантиришга квоталар бозорини ривожлантириш.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Ишлаб чиқариш самарадорлигининг илмий-назарий, услубий ва амалий жиҳатлари ҳар доим олим ва амалиётчиларнинг эътибори марказида бўлган. Ижтимоий ишлаб чиқаришни самарали ташкил қилиш муаммолари У.Петти, А.Смит, Д.Рикардо, Ж.Б.Сей, Ф.Визер, Л.Вальрас, А.Маршалл, Дж.Б.Кларк, В.Парето, Й.Шумпетер, Ф.Найт ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Т.А.Акимова, О.Ф.Балацкий, С.Н.Бобылев, В.И.Данилов-Данильян, А.А.Голуб, К.Г.Гофман, А.А.Гусев, М.Я.Лемешев, Н.Н.Лукъянчиков, А.Пигу, Е.В.Рюмин, Т.С.Хачатуров, Н.В.Чепурных, О.С.Шимова, К.В.Папенков, Я.Я.Яндыганов, И.Гирусов, П.Б.Олдак ва бошқаларнинг илмий ишлари экологик бошқарувни тадқиқ қилиш ва барқарор ривожланиш йўллари излашга бағишланган<sup>3</sup>.

Ўзбекистонда экологик менежментдан фойдаланиш бўйича С.С.Ғуломов, Ў.П.Умурзаков, А.С.Алтиев, С.А.Авезбаев, Н.Қ.Йўлдошев, Р.Султонов, Қ.Н.Абиркулов, Т.Жумаев, Н.Р.Ражабов, И.А.Носиров ва бошқалар тадқиқот олиб борганлар<sup>4</sup>.

Юқорида қайд этилган хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий ёндашувларида республикамизда табиий ресурслардан самарали фойдаланишда экологик бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари, интенсив ривожлантириш услубий жиҳатлари, кластер тизимини қўллаш маълум даражада ўрганилган.

Шунинг учун ҳам миллий иқтисодиётнинг самарадорлик даражасини юксалтиришга, экологик бошқаришга қаратилган илмий ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш заруратининг ортиб боришини тизимли ўрганиш масаласида ҳам фан олдида қилинадиган ишлар етарлича ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Фарғона давлат университети илмий тадқиқот ишлари

---

<sup>3</sup>Акимова Т.А., Хаскин В.В. Экология. Учебник. – М.: 1998.; Бобылёв С.Н. Воздействие изменения климата на сельское хозяйство и водные ресурсы России. Фонд «Защита природы». – М., 2003 с. 281.; Голуб А.А., Струкова Е.Б. Экономика природных ресурсов. – М., 1998 г.; Лукъянчиков Н.Н., Потравный И.М. Экономика и организация природопользования. – М., 2002 г.; Папенков К.В. Введение в экономику природопользования и охраны окружающей среды. – М, 2001 г.; Пигу А. Экономическая теория благосостояния. – М.: Прогресс, 1985; Шимова О.С., Соколовский Н.К. Экономика природопользования. – М.: Инфра – М, 2005. – С. 277.; Экология и экономика природопользования. Под. ред проф. Э.В.Гирусова. – М.: ЮНИТИ-2007, -С.320; Яндыганов Я.Я. Экономика природопользования. – М.: Кнорус, 2005. – С. 565; Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Наука, 1993; Рикардо Д. Начало политической экономии и налогообложение //соч. т/-. – М.: Госполитиздат, 1955; Шумпетер. Теория экономического развития. – М.: Прогресс, 1982.; Маркс К. Капитал. Т. Гл.III// К.Маркс, Д. Энгельс. Соч. Т.23.; Сей.Ж.Б. Катехизис политической экономии: Пер. Сфр. – СПб., 1833.; Маршал А. Принципыэкономической науки. – М.,1993.Т.2. Кн.6.Гл. 3-4.

<sup>4</sup>Гулямов С.С., Ғойибназаров Б.К., Алматова Д.С. Минтақалар озик-овқат хавфсизлигини таъминлашда инновацияларнинг роли // «Ўзбекистонда инновацион менежмент стратегияларини амалга ошириш тажрибаси» мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси илмий мақола ва тезислар тўплами (2018 йил 9 октябрь). – Т.: ТДИУ, 2018. – 472 б. Абиркулов Қ.Н., Жумаев Т. Ж., Ражабов Н.Р. «Экология менежменти». Ўқув қўлланма. Т.,2003. Авезбаев, Садулла. Экономические и социальные основы организации рационального использования земельных и водных ресурсов в районах экологического бедствия (на примере низовья Амударьи) : автореферат дис. ... доктора экономических наук : 08.00.27. - Москва, 1992. - 41 с.; Алтиев А.С «Ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш механизмлари такомиллаштириш» Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018.; Беркинов Б.Б., Ташматов Р.Х. Ўзбекистонда фермер хўжалиқларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни ривожлантириш йўналишлари.– Т.: ТДИУ, 2007 – 23; Йўлдошев Н.Қ., Мирсаидова Ш.А., Голдман И.Д. Инновацион менежмент – Т.: ТДИУ. Дарслик 2011 йил 286.; Мирзажонов К., Назаров М., Закирова С., Юлдашев Ф. Тупроқ муҳофазаси. – Тошкент: «Fan va texnologiya» нашриёти, 2004 йил; Хакимов Р. Қишлоқ хўжалиғи тармоғини инновацион ривожлантиришнинг айрим масалалари. // Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланиши: омилар, натижалар ва истикболлар. Республика илмий-амалий анжумани илмий мақолалар тўплами (2018 йил 30 октябрь). – Т.: ТДИУ. 132 б.

режасига мувофиқ «Иновацион иқтисодиётда ресурслардан тежамли фойдаланиш» (2018-2022 йй.) мавзусидаги амалий илмий тадқиқот доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** иқтисодиётни экологик бошқаришнинг назарий-услубий асосларини ривожлантириш ва ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича илмий-услубий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ижтимоий-иқтисодий экологик ривожлантириш ва бошқариш асосида барқарор иқтисодий ўсишнинг концепциясини яратиш;

барқарор экологик менежментни ривожлантиришнинг институционал таъминлаш борасида методологик асослар ишлаб чиқиш;

миллий иқтисодиётда моддий ва номоддий неъматлар ишлаб чиқаришни экологик бошқариш қонуниятларини ўрганиш;

иқтисодиётда табиий ресурслардан фойдаланишни бошқаришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш;

барқарор ривожланишда табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни экологик бошқаришни янги иқтисодий механизмини шакллантириш ва мавжудларини такомиллаштириш;

барқарорлик мезонларини яратиш халқаро тажрибасини умумлаштириш асосида экологик бошқаришнинг барқарорлик кўрсаткичларини шакллантириш;

иқтисодиётни экологик бошқаришда табиат иқтисодий қийматининг ҳудудий ривожланишга таъсири ва табиий муҳитга антропоген таъсир зарарини иқтисодий жиҳатдан баҳолаш услубиятини такомиллаштириш;

мамлакат иқтисодий ривожлантиришни экологик бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

мамлакатимиз ва минтақада мураккаб экологик иқтисодий тизимларни экологик бошқаришнинг ҳозирги замон қонуниятларини таҳлил қилиш;

иқтисодиётни экологик бошқариш жараёнларидаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этиш усулларини ўрганиш;

миллий иқтисодиётни экологик бошқаришнинг иқтисодий механизмлари ва табиатга етадиган иқтисодий зиёнларни аниқлаш усуллари ва унинг иқтисодий самарасини ҳисоблаш йўлларини ўрганиш;

ҳудуднинг хўжалик жиҳатидан юқори даражада ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги атроф-муҳит ҳолатини ҳарактерловчи кўрсаткичларни аниқлаш;

миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш шароитида ишлаб чиқаришни экологиялаштириш жараёнида юзага келувчи иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришда экологик йўналтирилган бошқарувнинг ўрни ва ролини аниқлаш;

иқтисодиётни экологик бошқаришда фойдаланиладиган иқтисодий воситалар ва экологик масалаларни иқтисодиёт тармоқларига жорий этиш йўлларини аниқлаш;

иқтисодиётни экологик бошқаришга глобал иқлим ўзгаришининг таъсири, муаммо ва оқибатларини аниқлаш ҳамда унга қарши чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

миллий иқтисодиётни ривожлантириш, уни экологик қайта қуриш ва иқтисодий ва экологик хавфсизликни таъминлаш зарурлигига мос келувчи экологик йўналтирилган бошқарувнинг стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистонда табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни экологик бошқариш жараёнлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети**ни экологик барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни бошқаришда келиб чиқувчи иқтисодий муносабатлар йиғиндисидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида менежментнинг бошқарув функцияларини амалга ошириш, соҳалар иқтисодий ҳолатини таҳлил қилиш, ташкилотлар, корхоналар фаолияти ва уларнинг персоналига таъсир кўрсатиш, вазифаларни мантиқий қаторга қўйиш, ишларни кўлами бўйича тақсимлаш, кетма-кетлик билан тайинлаш, расмий-мантиқий усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

табиий хомашёлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш жараёнида сувдан фойдаланувчи саноат корхоналаридан иборат экологик кластерларнинг ташкилий тузилмасида экологик хизматлар кўрсатувчи бўлинмаларни ташкил этиш орқали табиий ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда иқтисодий ривожланиш асосланган;

энергетика ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари таркибидаги тузилмавий-технологик жиҳатдан мувофиқликни таъминлаш орқали ҳудудий-маъмурий бошқарув ташкилотларининг экологик-иқтисодий балансини такомиллаштириш асосида самарасиз ишлатилаётган табиий ресурслар ҳажмини 20-30 %га қадар тежаш таклифи асосланган;

миллий иқтисодиётни экологик бошқариш механизми таркибига кирувчи атроф-муҳит муҳофазасини амалга ошириш юзасидан режалаштирилган тадбирлар ҳамда уларни молиялаштириш ўртасидаги нисбатни «муҳимлик–қамровлилик–тизимлилик» даражаларига кўра оптималлаштириш таклифи асосланган;

мамлакат ҳудудларидаги экологик ҳолатни яхшилаш ҳамда уни бошқариш жараёнларини тартибга солишда атроф-муҳитга етказилиши мумкин бўлган салбий таъсирлар бўйича квоталар бозоридан фойдаланиш орқали бозор дастакларини жорий этиш таклифи ва шартлари асосланган;

Ўзбекистондаги муҳим табиий ресурсларни кўп омилли функциялар ёрдамида баҳолаш орқали иқтисодий-математик моделлари асосида экологик таъминоти жараёнларининг 2026 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ижтимоий-экологик-иқтисодий бошқаришни назарий жиҳатлари асосланган ва амалий тасдиғини топган комплекс методологияси, унга мос кўрсаткичлар тизими таклиф этилган ва амалиётда қўлланилган;

экологик бошқариш жараёнларининг ижтимоий-экологик-иқтисодий жиҳатларини сабаб-оқибат тизимида тадқиқ этишга хизмат қилувчи самарадорлик усуллари яратилган;

экологик бошқарувда экологик зарарни аниқлаш, қишлоқ турмуш тарзини тубдан қайта қуриш (rurbonomics), қишлоқ аҳолисининг бандлигини таъминлаш учун ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, кичик саноат корхоналарини ташкил этиш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилган;

экологик бошқарувни амалга оширишнинг муҳим, замонавий йўналишларидан бири бўлган альтернатив (экологик) қишлоқ хўжалиги юритиш ва бошқаруви бўйича тавсиялар берилган ва улар жаҳон тажрибаси асосида умумлаштирилган;

техноген ва табиий омиллардан комплекс фойдаланиш асосида атроф-муҳитга антропоген таъсирни тартибга солиш ва минималлаштириш бўйича амалий тавсиялар берилган;

иқтисодиётни экологиялаштириш босқичида ва келажакда барқарор иқтисодий ўсиш шароитида барқарор ривожланиш концепцияси тизими тўлдирилиб, миллий иқтисодиётнинг янги шароитларида шаклланаётган иқтисодий муносабатлар тизимида экологик йўналтирилган бошқарувнинг ўрни белгиланган;

ишлаб чиқаришни ислоҳ қилишнинг дастлабки босқичларида назарий ишланмаларни жорий этиш, иқтисодий ўсиш шароитида табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари тизимидаги харажатларни камайтириш, муайян корхоналар фаолияти доирасида янги ва инновацион технологияларни молиялаштириш манбаларини ўз вақтида топиш имкони белгиланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация ишини тайёрлаш жараёнида амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижаларининг ишончлилиги фойдаланилган методик ёндашув ва қўлланилган усулларнинг асосланганлиги, фойдаланилган статистик маълумотларнинг расмий манбалардан, монографик кузатув натижалари асосида олинганлиги, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шу кунга қадар фанда амал қилиб келаётган табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш механизми назариясидаги баъзи камчиликларни тўлдириш, табиий ресурслардан фойдаланиш методологиясини такомиллаштириш, мазкур муаммони тадқиқ этишга йўналтирилган илмий ишларнинг назарий-услубий асосларини кенгайтириш, илмий аппаратини бойитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти иқтисодий ривожланиш, экологик стратегиялар тўғрисида қарорлар қабул қилиш, давлат тузилмалари

томонидан табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини танлашда экологик оқибатлар билан кузатиловчи тадбирларнинг атроф-муҳитга таъсирини таҳлил қилиш ва ресурсни тежашни амалга оширишда ундан бевосита фойдаланиш, мамлакат ҳудудлари ва иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик тадбирларни амалга ошириш дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Иқтисодиётни экологик бошқаришнинг назарий-услубий асосларини ривожлантириш ва ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий-услубий ва амалий тавсиялар асосида:

табиий хомашёлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш жараёнида сувдан фойдаланувчи саноат корхоналаридан иборат экологик кластерларнинг ташкилий тузилмасида экологик хизматлар кўрсатувчи бўлинмаларни ташкил этиш орқали табиий ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда иқтисодий ривожланиш таклифидан «Мамлакатда комплекс ижтимоий-иқтисодий-экологик бошқаришнинг концептуал ёндашувлари»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2019 йил 20 декабрдаги 10-15/2598-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида сувдан фойдаланувчи саноат корхоналаридан иборат экологик кластерларнинг ташкилий тузилмасида экологик хизматлар кўрсатувчи бўлинмаларни ташкил этиш орқали табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш имкони яратилган;

энергетика ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари таркибидаги тузилмавий-технологик жиҳатдан мувофиқликни таъминлаш орқали ҳудудий-маъмурий бошқарув ташкилотларининг экологик-иқтисодий балансини такомиллаштириш асосида самарасиз ишлатилаётган табиий ресурслар ҳажмини 20-30 %га қадар тежаш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқлаган «Аграр соҳани хўжалик юритиш жараёнларида экологик омилларни ҳисобга олиш бўйича тавсиялар»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2019 йил 20 декабрдаги 10-15/2598-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида Фарғона вилояти микёсида ерларнинг экологик кўрсаткичлари 2018 йилда 2010 йилга нисбатан ўртача 14-17 %га яхшиланган;

миллий иқтисодиётни экологик бошқариш механизми таркибига кирувчи атроф-муҳит муҳофазасини амалга ошириш юзасидан режалаштирилган тадбирлар ҳамда уларни молиялаштириш ўртасидаги нисбатни «муҳимлик-қамровлилик-тизимлилик» даражаларига кўра оптималлаштириш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан «Статистик кўрсаткичларни микдорий ўлчаш ва мониторинг қилишга хизмат қилувчи интеграллашган кўрсаткичлар»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2019 йил 20 декабрдаги 10-15/2598-сонли маълумотномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2019 йил 22 ноябрдаги 02-02/8-1593-сонли

маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида атроф-муҳит муҳофазасини амалга ошириш юзасидан режалаштирилган тадбирларни статистик кўрсаткичларни миқдорий ўлчаш ва мониторинг қилиш орқали молиялаштиришнинг асослилик даражасини таъминлашга хизмат қилган;

мамлакат ҳудудларидаги экологик ҳолатни яхшилаш ҳамда уни бошқариш жараёнларини тартибга солишда атроф-муҳитга етказилиши мумкин бўлган салбий таъсирлар бўйича квоталар бозоридан фойдаланиш орқали бозор дастакларини жорий этиш таклифи ва шартларидан Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси лойиҳасини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2019 йил 20 декабрдаги 10-15/2598-сонли маълумотномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2019 йил 22 ноябрдаги 02-02/8-1593-сонли маълумотномаси). Мазкур илмий тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши мамлакат иқтисодиёти ривожланишининг истиқболларини унинг атроф-муҳитга таъсирини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш ҳамда иқтисодий ва экологик масалаларини уйғунлаштиришга қаратилган сиёсат юйтишга эътибор қаратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси лойиҳасини шакллантириш имконини берган;

Ўзбекистондаги муҳим табиий ресурсларни кўп омилли функциялар ёрдамида баҳолаш орқали иқтисодий-математик моделлари асосида экологик таъминоти жараёнларининг 2026 йилга қадар ишлаб чиқилган прогноз кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан истиқболдаги иқтисодий ривожланиш йўналишларини белгилашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2019 йил 20 декабрдаги 10-15/2598-сонли маълумотномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2019 йил 22 ноябрдаги 02-02/8-1593-сонли маълумотномаси). Мазкур илмий тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида Фарғона вилоятида боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослаштирилган хўжаликларни ташкил этиш, чорвачилик комплексларини яратиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини 12-14 %га оширишга эришиш мумкинлиги асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 10 та, жумладан, 4 та республика ва 6 та халқаро илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 39 та илмий иш, жумладан, 3 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 20 та илмий мақола, жумладан, 11 таси республика ва 9 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, таркибига 17 та статистик, таҳлилий, ҳисоб-китоб жадваллари ва 8 та расмлар ҳамда 60 та формулаларни олган ҳолда 218 саҳифада баён этилган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мазмунининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Иқтисодиётни экологик бошқаришнинг назарий-услубий асослари**» деб номланган биринчи бобида мамлакатнинг иқтисодий ва экологик хавфсизлиги тобора кучайиб бораётган муаммолар шароитида барқарор ривожланиш дастурлари, биринчи навбатда, миллий иқтисодиётни амалга ошириш воситаси сифатида экологик йўналтирилган бошқарувнинг ролини тадқиқ этишнинг методологик жиҳатлари ёритилган.

Экологик бошқарув тизимидаги иқтисодий муносабатлар муаммоларига замонавий ёндашув хорижий олимлардан Т.Анопченко, М.Гузев, Б.Порфирьев, С.Тяглов, А.Чешев ва бошқаларнинг асарларида амалга оширилган бўлса<sup>5</sup>, ер ресурсларидан фойдаланиш соҳасида О.Боткин, И.Буздалов, А.Емельянов, Ч.Ионов, С.Киселев, В.Кузнецов, О.Лепке, М.Лугачев, В.Милосердов, А.Миндрин, Н.Пашкевич, Н.Шагайда, В.Филонич сингари олимларнинг фундаментал ишлари туфайли, иқтисодиётнинг аграр соҳасида ер муносабатлари тизимини шакллантириш бўйича маълум минтақа табиат хўжалик тизими хусусиятларига мос келувчи тадқиқот ўтказишнинг назарий ва методологик асослари шакллантирилган<sup>6</sup>.

<sup>5</sup>Анопченко Т. Роль и место управления эколого-экономическими рисками в развитии системы национальной и региональной экономики и обеспечения экологической безопасности. // Региональная экономика: теория и практика, 2007. № 16; Кузнецов Н.Г., Тяглов С.Г. Региональная экономика. – Ростов н/Д., 2005; Порфирьев Б.Н. Экологическая экспертиза и риск технологий. – М., 1990; Чешев А.С., Фесенко И.Н.. Земельный кадастр. – М.: ПРИОР, 2000.

<sup>6</sup>Боткин О. И. Институциональные преобразования предприятий АПК в рыночную систему отношений. – Ижевск, 2002; Буздалов И. Земельная собственность и хозяйственные формы ее использования. // Экономика и управление АПК, 1996. №2; Емельянов А. Регулируемый рыночный оборот земли и частная собственность на землю. // Вопросы экономики, 2001. №8; Кузнецов В.В. Почему необходимо государственное регулирование развития АПК, 1995. № 5.; Киселев С. Государственное регулирование сельского хозяйства при переходе к рынку. // Экономика, управление, 1993. № 6; Лепке О.Б. Механизмы регулирования земельных отношений в аграрном секторе экономики: Дис... д-ра экон. наук. – М., 2002; Лугачев М.И. Методы социально-экономического прогнозирования. – М.: ТЕИС, 1999; Миндрин А., Грачев В. и др. Земельные отношения в сельском хозяйстве. – М., 2005; Пашкевич Н.В. Проблемы рыночной экономики в отраслях горной промышленности и геологоразведки. – СПб.: СПбГУ, 1995; Шагайда Н. Оборот сельскохозяйственных земель в России: трансформация институтов и практик. 2010. № 142; Филонич В. Экологизация аграрного производства как алгоритм решения проблем современного землепользования. // Проблемы федеральной и региональной экономики: ученые записки. Вып. 11. – Ростов н/Д., 2009.

Республикамизда экологик менежмент ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича С.С.Ғуломов, Ў.П.Умурзақов, А.С.Алтиев, С.А.Авезбаев, Н.Қ.Йўлдошев, Р.Султонов, Қ.Н.Абирқулов, Т.Жумаев, Н.Р.Ражабов, И.Носиров ва бошқалар тадқиқот олиб борганлар<sup>7</sup>.

«Экология» тушунчаси дастлаб организмлар туркумининг бир-бирлари ва атроф абиотик муҳит билан ўзаро таъсирида юзага келувчи ўз-ўзини тартибга солиш жараёнлари мажмуасини ифодалаш учун қўлланилган.

Ҳозирги кунда табиий ишлаб чиқариш кучларидан фойдаланишни экологик чегарасига келиб қолинди. Сабаби фан-техника тараққиёти шароитида табиий ресурсларга талаб тобора ортмоқда ва уларни истеъмол қилиш мунтазам суръатда ошиб бормоқда. Маълумотларга кўра, сайёра куриқлиги чегарасида кидириб топилган дунё минерал-хомашё захиралари инсониятнинг ортиб бораётган эҳтиёжини қисқа вақтга: нефть 40 йил, табиий газ 65 йил, мис, никель ва қалай 30-35 йил, кўрғошин ва цинк 20-25 йил, олтин ва кумуш 15-20 йил ва фақат тошкўмир 200 йилдан кўпроқ муддатга таъминлайди.

Мутахассисларнинг фикрича, XXI асрда деярли ҳамма хомашё турларини истеъмол қилиш интенсив равишда ўсишда давом этади. Олдинда турган 50 йилда жаҳонда нефтни истеъмол қилиш 2-2,2 баробар, табиий газ 3-3,2 марта, темир рудаси 1,4-1,6, алюминий 1,5-2, мис 1,5-1,7, никел 2,6-2,8, цинк 1,2-1,4 ва бошқа минерал хомашё турларининг истеъмоли 2,2-3,5 баробар ўсади. Бу эса табиий ишлаб чиқариш кучларидан фойдаланиш ва ижтимоий ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш мақсадида экологик мувозанатни сақлашнинг объектив зарурлигига олиб келди.

Жамият билан табиат, иқтисодиёт билан экология ўртасидаги ҳозирда мавжуд бўлган қарама-қаршиликни бартараф этиш инсон қай даражада ижтимоий жараёнларни бошқаришга қодирлиги билан тақозо қилинади. Маълумки, ҳар бир жараён, шу жумладан табиий ресурслардан фойдаланиш жараёнини самарали бошқариш унинг иқтисодий механизмидир.

Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизми бошқаришда табиатдан фойдаланувчиларни табиий муҳит билан алоқаларини, моддий

---

<sup>7</sup> Гулямов С.С., Ғойибназаров Б.К., Алматова Д.С. Минтақалар озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда инновацияларнинг роли. // «Ўзбекистонда инновацион менежмент стратегияларини амалга ошириш тажрибаси» мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси илмий мақола ва тезислар тўплами (2018 йил 9 октябрь). – Т.: ТДИУ, 2018. – 472 б. Абирқулов Қ.Н., Жумаев Т. Ж., Ражабов Н.Р. Экология менежменти. Ўқув қўлланма. – Т., 2003; Авезбаев С. Экономические и социальные основы организации рационального использования земельных и водных ресурсов в районах экологического бедствия (на примере низовья Амударьи): автореферат дис. ... доктора экономических наук: 08.00.27. – Москва, 1992. – 41 с.; Алтиев А.С. Ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш механизмларни такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси Автореферати. – Тошкент, 2018.; Беркинов Б.Б., Ташматов Р.Х. Ўзбекистонда фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни ривожлантириш йўналишлари. – Т.: ТДИУ, 2007 – 23; Йўлдошев Н.Қ., Мирсаидова Ш.А., Голдман И.Д. Инновацион менежмент. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2011 йил 286.; Мирзажонов К., Назаров М., Закирова С., Юлдашев Ф. Тупроқ муҳофазаси. – Тошкент: «Fan va texnologiya» нашриёти, 2004 йил; Хакимов Р. Қишлоқ хўжалиги тармоғини инновацион ривожлантиришнинг айрим масалалари. // Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланиши: омиллар, натижалар ва истикболлар. Республика илмий-амалий анжумани илмий мақоалар тўплами (2018 йил 30 октябрь). – Т.: ТДИУ. -132 б.

манфаатдорликни амалга ошириш асосида оптималлаштиришнинг иқтисодий усуллари йиғиндисидир<sup>8</sup>.

Иқтисодий механизм экологик йўналтирилган ривожлантиришни амалиётга қўллашнинг муҳим воситасидир. Бу ерда табиатдан фойдаланишни самарали иқтисодий механизмини шакллантириш устувор аҳамиятга эга.

Табиатдан фойдаланишни функционал жиҳатдан 3 та иқтисодий типини фарқлаш мумкин. Биринчи тип – юмшоқ, ёки «ортдан қувиб юрувчи» механизм. Бу экологик нуқтаи назардан либерал механизм. У тармоқ ва соҳаларнинг иқтисодий ривожланиши учун деярли тўсиқ бўлмай, анчагина умумий бўлган чекловчи экологик чегаралар қўяди холос.

Иккинчи тип – ривожланишни экологик мувозанатлашган, ишлаб чиқариш ва фаолият турларининг табиатни муҳофаза қилишни рағбатлантирувчи типи. Табиатдан фойдаланишда бундай механизмнинг амал қилишида бозор воситалари етакчи рол ўйнайди. У янги технологиялар асосида ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга кўмаклашади, табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни яхшилаш имконини беради.

Табиатдан фойдаланиш иқтисодий механизмнинг учинчи типини қатъий, «босим ўтказувчи» деб тарифлаш мумкин. Бу механизм маъмурий ва бозор воситаларидан фойдаланади ва қатъий ҳуқуқий, солиқ, кредит, жарима сиёсати орқали маълум бир тармоқ ва комплекслар ривожланишини уларнинг табиий базисини кенгайтириш соҳасида таъқиб остига олиб, табиий ресурслардан тежамли фойдаланишга кўмаклашади.

Ҳозирги кунга қадар жамият олдида, хўжалик фаолиятини экотизимни сақлаш билан мувофиқлаштириш вазифаси, бундай кескин турмаган. Фақат XX асрнинг 20-йилларида рус олими В.И.Вернадский: «Инсон сайёрамизнинг қиёфасини ўзгартираётган ва табиий моддаларни биогеохимик доиравий айланиши жараёнига бостириб қираётган қудратли геологик кучга айланмоқда», деган. Биосферада ҳамма воқелик ўзаро тақозо қилингани учун мавжуд алоқаларни бузиш инсон учун ҳалокатли оқибатлар занжирини келтириб чиқариши мумкин<sup>9</sup>.

Иқтисодий-экологик ёндашув «ижтимоий ишлаб чиқариш» тизимини ривожлантиришда ўз олдига экологик ва иқтисодий ривожланишнинг мувофиқлаштиришни мақсад қилиб қўяди.

Атроф-муҳитнинг сифати энг муҳим истеъмол неъматини бўлиб, унинг асосини экологик-иқтисодий неъмат ва хизматлар ташкил этади. Шу нуқтаи назардан атроф-муҳит сифати ва унинг неъматлари муҳим иқтисодий категория, ўзига хос товар бўлиб, унинг истеъмолчисини маълум ҳудудда яшайдиган аҳоли, саноат ва иқтисодиётнинг бошқа соҳалари ҳисобланади. Умуман, атроф-муҳит неъматлари ва хизматлари номоддий неъматлар бўлиб, улар жамиятнинг яшаш муҳитини неъматларидир.

---

<sup>8</sup>Шимова О.С., Соколовский Н.К. Экономика природопользования. – Москва-Минск: «Инфра – М», 2005. - С. 277.

<sup>9</sup>Вернадский В.И. Биосфера и ноосфера. – М., 1989 г. – С. 147.

Республика миқёсида экология тадбирларини амалга оширишда табиатга етказиладиган зарар қийматини уни муҳофаза қилиш ва тиклаш қиймати билан таққослаш керак.

Зарарли экологик-иқтисодий оқибатларни камайтириш, ҳозирги ва истиқболдаги истеъмол ўртасида оптимал муроасага эришиш мамлакатнинг узоқ муддатдаги истиқболда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосини ташкил этиши керак. Бунда барқарор ривожланишнинг қуйидаги асосий мезонларига амал қилиш лозим: тикланувчи табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқариш режимини сақлаб қолиш; тикланмайдиган табиий ресурслар захиралари камайишини максимал даражада секинлаштириш ва уларни бошқалар билан алмаштириш; кам чиқиндилли ва чиқиндисиз, ресурстежовчи технологияларни қўллаш асосида чиқиндиларни мумкин қадар камайтириш; атроф-муҳит ифлосланишини камайтириш лозим.

Барқарор ривожланишга ўтиш республика ҳудудларида табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқаришни талаб этади. Бунда экологик-иқтисодий балансни тузиш муҳим аҳамиятга эга (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Худудий маъмурий бошқарув ташкилотларининг экологик-иқтисодий баланси<sup>10</sup>

№	Кўрсаткичлар	Чиким	Ўлчовлар
		Бозор захиралари	
1.	Ер	Урбанизация: ерни қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқариш	Ресурс эгалар ва аҳоли йўқотган фойда
2.	Сув	Меъёрдан ортиқ ифлосланиш: меъёрдан ортиқ сув олиш	Сув муҳофазаси учун қолдирилган харажатлар, млн.сўм
3.	Ҳаво	Ёқилғи истеъмолида ёқиш: меъёрдан ортиқ ифлосланиш	Ҳаво муҳофазаси учун қолдирилган харажатлар, млн. сўм
4.	Биота	Маҳсулдор майдонларни йўқотиш: биота маҳсулдорлигининг пасайиши	Гектарга, млн.сўм / ер бирлигига
5.	Рекреация	Рекреация сифатининг ёмонлашувидан йўқотилган фойда (наф)	Аҳоли саломатлигини тиклаш харажатлари, млн.сўм
<b>Бозорга боғлиқ бўлмаган захиралар</b>			
6.	Биологик хилма-хиллик	Муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг қисқариши	Биологик хилма-хилликни билвосита баҳолаш, млн.сўм
7.	Атроф-муҳитнинг эстетик сифати	Яшаш муҳитининг жозибadorлиги пасайиши	Гедеономик баҳонинг пасайиши
8.	Глобал экотизимлар	Миллий (худудий) квотадан ортиқ углерод чиқармалари	Ўрмонларни кесиш оқибатида углерод баланси бузилиши (углеродни сақлаб қолиш қиймати), млн.сўм
9.	Ноёб объектлар	Зиённинг ҳар қандай шакли	Қиймат баҳоси тўлашга тайёрлик усули бўйича ва экспертлар иштирокида аниқланади ёки баҳолашдан озод қилинади.

Тадқиқотларга кўра, иқтисодиётни тузилмавий-технологик уйғунлаштириш пировард маҳсулотни ўстирган ҳолда ҳозирги кунда

<sup>10</sup>Муаллифнинг илмий хулосалари асосида ишлаб чиқилган.

самарасиз фойдаланилаётган табиий ресурсларнинг 20-30 %ни тежаш имконини беради<sup>11</sup>.

## 2-жадвал

### Дунё мамлакатларида табиат сиғими кўрсаткичлари<sup>12</sup>

Мамлакат	Энергия сиғими; т.нефть-эқв; 1000 АҚШ долл	SO <sub>x</sub> ни чиқариш ЯИМ 1000 АҚШ долл.га кг.	CO <sub>2</sub> чиқариш, ЯИМ 1000 АҚШ долл.га кг.
Япония	0,17	0,3	0,42
Германия	0,21	1,1	0,52
Франция	0,21	0,9	0,31
Норвегия	0,22	0,3	0,32
Буюкбритания	0,20	1,8	0,49
Ўзбекистон	0,54	3,1	0,45
АҚШ	0,28	2,3	0,73
Россия	0,61	6,0	1,54

Мамлакатимизда табиий ресурсларни ортиқча истеъмол қилиш асосан энергетикада, қишлоқ хўжалигида кузатилади. Россия ва ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти табиат сиғимини 2-жадвал ва 3-жадвал бўйича таққослаш турлича манзарини кўрсатади.

## 3-жадвал

### 1 т қоғоз ва картон ишлаб чиқариш учун ишлатилган ёғоч ҳажми<sup>13</sup>, м<sup>3</sup>/т:

Мамлакатлар	Ишлаб чиқариш ҳажми
США	7
Швеция	6
Финляндия	5
Россия	32

Табиатдан фойдаланишга асосланган ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол ўзига хос экологик-иқтисодий хусусиятларга эга бўлади. Табиий-экологик шароит ва ресурслар хўжалик юритишнинг табиий муҳитини белгилаш бўйича назарий ёндашув ва амалий тажрибаларнинг таҳлили кўрсатадики, соҳа тараққий этиб бориши билан унинг ривожланганлик даражасига мос келувчи тартибга солишнинг турли йўналишлари, восита ва усулларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Диссертациянинг «Иқтисодиётни экологик бошқаришда табиат ресурслари ўрнини баҳолаш» деб номланган иккинчи бобда «табиий ресурслар»дан фойдаланишни яхшилашнинг муҳим йўналиши сифатида уларнинг баҳосини аниқлаш ёки табиий ресурс ва табиий хизматларни иқтисодий баҳолаш бўйича тараққий этган хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилган.

<sup>11</sup>Экологиф и экономика природопользования. Под. ред проф. Э.В.Гирусова. – М.: ЮНИТИ – 2017. – С.191

<sup>12</sup>Муаллиф ҳисоб-китоблари.

<sup>13</sup>Муаллиф ҳисоб-китоблари.

Тадқиқот жараёнида ривожланган бозор муносабатлари шароитида, ресурслар бозори мавжуд бўлиб, у нархларни шакллантириш ва иқтисодий ривожланишнинг тўғри вариантыни танлаш имконини беради. Инсониятда ГЭСда олинадиган энг арзон электр-энергияси ҳақида тушунча сақланиб қолган. Лекин ҳеч қачон объектларни лойиҳалаштиришда аҳолини, қишлоқ хўжалиги, сув, балиқ, ўрмон ва бошқа хўжаликларининг зарарлари ҳисобга олинмаган. Ёки нефть қазиб олишда ўрмон, хайвонот дунёси, тупроқ деградацияси туфайли зарар ҳисобга олинмаган.

Қайд жоизки, экологик омилни мос ҳолда иқтисодий жиҳатдан ҳисобга олишда иқтисодий ресурсларни тежаш самарадорлиги иқтисодиётнинг табиат сиғимини оширишга нисбатан юқорилиги исботланган. Ғарб мамлакатлари ва Япониянинг кейинги ўн йилликларда иқтисодий ривожланиши бу фикрни тўлиқ тасдиқлади.

Табиий ресурслар баҳосини, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фондлари билан бир қаторда миллий бойлик таркибига қўшилганда, улар бу бойликни анчагина қисмини ташкил қилиши мумкин. Аксинча, табиий неъматларни етарли даражада баҳоламаслик эса ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини бузиб кўрсатади, бунинг натижасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўналишларининг самарасиз вариантларини танлашга олиб келади.

БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларда техноген қарорлар билан курашда табиатнинг «рақобатбардошлилигини» оширишга ҳаракат қилинмоқда. БМТнинг статистика хизмати томонидан миллий статистикада экологик омилни ҳисобга олишга қаратилган экологик ва иқтисодий интеграциялашган миллий ҳисоблар тизими таклиф этилган. Миллий ҳисоблар трансформацияси экологик жиҳатдан тузатиш киритилган соф ички маҳсулот (EDP) кўрсаткичига асосланади. Бу кўрсаткич соф ички маҳсулот (NDP)га тузатиш киритиш натижаси ҳисобланади. NDPга ўзгартириш киритиш 2 босқичда амалга оширилади: биринчи босқичда соф ички маҳсулотдан табиий ресурсларни қувватсизланиши (DN) нефть, минерал хомашё қазиб олиш, ўрмонлар кесилиши қиймати айирилади:

$$NDP - DN = EDP_1 \quad (1)$$

Сўнгра  $EDP_1$  формуладан олинган натижадан ҳаво ва сув ифлосланиши, чиқиндиларни жойлаштириш, тупроқни толиқиши ва ер ости сувларидан фойдаланиш натижасида келтирилган экологик зарар (ED) қиймати айирилади:

$$EDP_1 - DE = EDP_2 \quad (2)$$

Мазкур услубиёт асосида ўтказилган ҳисоб-китоблар айрим мамлакатларда анъанавий иқтисодий ва экологик тузатиш киритилган кўрсаткичлар ўртасида анчагина тафовут мавжудлигини кўрсатди. Масалан, Мексикада  $EDP_1$  NDPнинг 94 %ини,  $EDP_2$  эса NDPнинг 87 %ини ташкил этди. Жаҳоннинг энг «табиатни севувчи» мамлакатларидан бири Японияда макроиқтисодий кўрсаткичларга экологик тузатиш киритилганида анъанавий ЯИМ 16 %га камайган. Экологик зарарни ҳисобга олиб тузатиш қилинганда,

нафақат иқтисодий кўрсаткичларнинг қисқариши, ҳаттоки ўсиш ҳам салбий мазмунга эга бўлиши мумкин. Экологик тузатиш анъанавий иқтисодий кўрсаткичларни қисқариши ва ҳатто ўсиш кўламининг салбий характери билан ҳам ифода қилиниши мумкин. Бу усуллар бўйича олиб бориладиган ҳисоб-китобларда табиий ресурсларнинг толиқиш қийматини ҳисоблаш, экологик зарар, ифлослантиришнинг саломатликка таъсирини ҳисобга олиш ва ресурсларни вақт бирлигида маҳсулдорлиги, дисконтлаш билан боғлиқ қийинчиликлар талайгина.

Табиий неъматларни иқтисодий баҳолашнинг зарурати ҳақида кўп гапирилади. Лекин уларни қандай баҳолаш мумкин? Иқтисодчи-экологлар табиий ресурслар ва экологик функцияларни баҳолашга ҳамда техноген ечимлар билан курашда табиатнинг «рақобатбардошлигини» оширишга уринмоқдалар. Шундай табиий неъматлар борки, уларнинг иқтисодий қийматини ўлчаш мумкин эмас, масалан, чиройли манзарага эга ландшафтни қандай баҳолаш мумкин? Ноёб гул ёки қуш қийматиничи? Кўпгина табиий неъматлар ва хизматлар учун анъанавий бозор, стандарт талаб ва таклиф мавжуд эмас.

Табиий ресурслар ва табиий хизматлар иқтисодий қийматини аниқлашга ёндашувлар орасида аниқ баҳолашни амалга ошириш имконини берувчи қуйидаги ёндашувларни ажратиш мумкин: бозор баҳоси; рента; харажатлар ёндашуви; табиат компонентларини баҳолаш, альтернатив қиймати; умумий иқтисодий қиймати (баҳоси).

Жаҳон амалиётида ер ресурсларини баҳолашда, айниқса, рента ёндашуви кенг қўлланилади. Бу ҳолатда ернинг (табиий ресурс баҳосининг (P) қатъий формуласи:

$$P = \frac{R}{r} \quad (3)$$

Бу ерда: R – йиллик рента, r – коэффицент.

Келтирилган формулада ер баҳоси «капиталлашган» ер рентасидир. Рента (R) номаълум узок муддат давомида олинади деб фараз қилинади. r коэффиценти бирдан кам деб олинади ва унинг миқдори кўпинча банк фоизи (ссуда) билан боғлиқ бўлади. Масалан, агар ер участкасининг ҳар йилги рентаси 10,0 млн. сўмни ташкил қилса, ссуда фоизи 10 %га тенг бўлса, у ҳолда участка баҳоси 100,0 млн. сўмни ташкил қилади.


Умумий иқтисодий қийматни агрегатлаштирилган кўрсаткичининг умумий тузилмаси ўрмон ресурслари учун 1-расмда кўрсатилган.

$$УИҚ = ФҚ + \Phi_{\text{фой-к}}К = БФҚ + B_{\text{бил.}}ФҚ + КАҚ + МК, \quad (4)$$

бу ерда: УИҚ – умумий иқтисодий қиймат; ФҚ – фойдаланиш қиймати;  $\Phi_{\text{фой-к}}К$  – фойдаланмаслик қиймати; БФҚ – бевосита фойдаланиш қиймати;  $B_{\text{бил.}}ФҚ$  – билвосита фойдаланиш қиймати; КАҚ – кечиктирилган альтернатив қиймати; МК – мавжудлик қиймати.

Фойдаланиш қиймати (бошқа, жиддийроқ иқтисодий термин истеъмол қиймати) иқтисодий баҳолаш учун осон, масалан, ўрмон бераётган бевосита фойдаланиш қиймати қуйидагиларни ўз ичига олади: ёғочни барқарор

(қувватсизлантирмайдиган тарзда) тайёрлаш; ўсимликлардан дори тайёрлаш; бошқа ёрдамчи маҳсулотлар олиш (қўзиқорин, ёнғоқ, мева ва бошқалар); сайёҳлик; барқарор ов қилиш ва балиқчиликдан иборат.



**1-расм. Ўрмон ресурслари учун умумий иқтисодий қиймат кўрсаткичлари тузилмаси<sup>14</sup>**

Диссертациянинг «Иқтисодиётни экологик бошқариш самарадорлигини баҳолаш услубияти» деб номланган учинчи бобида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирлари масаланинг амалий жиҳатларини ўзида акс эттиради. Табиийки, масаланинг амалий жиҳатларини ифодалаган истикболда табиат билан жамиятнинг ўзаро муносабатларини уйғунлаштиришга қаратилган дастурлар, сатратегиялар услубияти ишлаб чиқилади. Ҳозирги кунда тадбирлар комплексини амалга ошириш дастурини шакллантириш имконини берувчи турли иқтисодий-математик усуллар моделларининг анча кенг тўплами ишлаб чиқилган.

Силжиш усулини амалга оширишнинг 5 та варианты маълум. Бу алгоритмлар хусусиятлари 4-жадвалда берилган.

Мазкур модель умумийлиги юқорироқ бўлган ҳолат учун ҳам қўлланилади, инвестиция эҳтиёжини берилган нотекисликка мослаш. Агар режалаштиришнинг қайд қилинган горизонтида инвестицияга эҳтиёж ҳажми берилса,  $T : Z_t, t = 1, y$  ҳолатда бу воситаларни етарлилигини текшириб кўриш керак, чунки бу ҳолда қуйидаги тенглик бажарилиши керак:

$$T \sum_{t>1} (Z_t - \sum_{i \in G} P_i) \rightarrow \min. \quad (5)$$

Яна бир муҳим қўшимча модель имкониятларини кенгайтиришга кўмаклашади. Аввало, ижтимоий соҳа, соғлиқни сақлашга тааллуқли баъзи тадбирларни амалга ошириш имкон қадар эртанги муддатларда бошланиши

<sup>14</sup>Муаллиф ишланмаси.

керак. Бундай тадбирларнинг вақт ўқи бўйича ўнгга силжишига унинг иқтисодий самарадорлигидан қатъий назар йўл қўйиб бўлмайди.

#### 4-жадвал

### Режалаштиришни берилган горизонти доирасида тадбирларнинг силжиш усулини амалга ошириш алгоритми<sup>15</sup>

Операция номи	1-алгоритм	2-алгоритм	3-алгоритм	4-алгоритм	5-алгоритм
Инвестицияга минимал эҳтиёж мавжуд бўлган вақтни танлаш	$t_0$ вақт даври	$t$ вақт даври	Талаб қилинмайди	$t$ вақт даври	Талаб қилинмайди
Вақт ўқи бўйича ўнгга силжиш учун тадбирларни танлаш	$t_2$ инвестицияга эҳтиёж катта бўлган ўтган давр вақтини танлаш. $t_2$ вақт мобайнида бажариладиган, бироқ $t_1$ ва $T$ дан олдин тугалланадиганлардан СДД-и* минимал бўлган тадбирлар танлаб олинади.	$t_2$ инвестицияга эҳтиёж катта бўлган ўтган вақт даврини танлаш. $t_2$ вақтгача бажариладиган, бироқ $t_1$ ва $T$ дан олдин тугалланадиган СДД-и* минимал бўлган тадбирлар танлаб олинади.	$t_2$ инвестицияга эҳтиёж максимал бўлган вақт даврини танлаш. $t_2$ вақт мобайнида бажариладиган, бироқ $T$ дан олдин тугалланадиган СДД-и* минимал бўлган тадбирлар танлаб олинади.	$t_2$ инвестицияга эҳтиёж максимал бўлган вақт даврини танлаш. $t_2$ вақт мобайнида бажариладиган, бироқ $t_1$ ва $T$ дан олдин тугалланадиган СДД-и* минимал бўлган тадбирлар танлаб олинади.	$t_2$ инвестицияга эҳтиёж максимал бўлган вақт даврини танлаш. $t_2$ вақт мобайнида бажариладиган, бироқ $t_1$ ва $T$ дан олдин тугалланадиганлардан СДД-и* минимал бўлган тадбирлар танлаб олинади.
Танлаб олинган тадбирни силжиши	$t_1: T^K = t_1,$ $T_{i^*}^H = T_{i^*}^K - t_{i^*}$ вақтгача силжиш	$t_1: T^K = t_1,$ $T_{i^*}^H = T_{i^*}^K - t_{i^*}$ вақтгача силжиш	$T^K = T_{i^*}^K + 1,$ $T_{i^*}^H = T_{i^*}^H + 1$ вақт бирлигига силжиш	$t: T^K = t_1,$ $T_{i^*}^H = T_{i^*}^K - t_{i^*}$ вақтгача силжиш	$T^K = T_{i^*}^K + 1,$ $T_{i^*}^H = T_{i^*}^H + 1$ вақт бирлигига силжиш

Бундай ҳолларда мазкур тадбирларни бажариш муддатини қайд этиш ва уларни жадвал ичида силжишини таъқиқлаб қўйиш керак. Тадбирлар силжиши усули ва таклиф қилинган алгоритмлар ўзгаришсиз қолади. Масалан, минтақада 10 та тадбирдан иборат табиатни муҳофаза қилиш дастурини амалга ошириш фараз қилиняпти. Тадбирларни амалга оширишга капитал харажатлар бир текис деб фараз қилинмоқда. Бу тадбирларни таснифловчи бошланғич маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган. Ҳар йили ажратиладиган капитал қўйилмалар ҳажми ўртача 48 млн. сўмга тенг.

Масалани ечиш учун ажратилаётган ресурслар ҳажмига қатъий белгиланган чекловларда тадбирларни жадвалда кетма-кетлик билан тайинлаш усулидан фойдаланиш мумкин. Устуворлик сифатида тадбирлар рентабеллиги кўрсаткичидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Жадвалнинг биринчи вариантини қуйидагича тузиш лозим: агар жорий вақтда устувор тадбирни амалга оширишга ресурслар етмаса, у ҳолда камроқ устувор бўлган тадбирларни қўшишга уриниш амалга оширилади (рўйхат бутунлай тугаллангунча). Сўнг кейинги вақт даврига ўтиш юз беради. Натижада тадбирларни амалга ошириш 3-расмда келтирилган кўринишда бўлади.

<sup>15</sup>Муаллиф ишланмаси.


Экологик тадбирларга капитал харажатларни ҳисоблаш<sup>16</sup>

№	Амалга ошириш давомийлиги, йил	Тадбирни амалга ошириш учун капитал қўйилмаларга эҳтиёж, млн. сўм/йил	Тадбирни амалга оширишдан олдин олинган зарар миқдори, млн.сўм/йил	Тадбир рентабеллиги
1.	2	30	10	0.17
2.	1	20	4	0.20
3.	3	20	20	0.33
4.	4	10	10	0.25
5.	2	30	18	0.30
6.	3	20	16	0.27
7.	2	20	15	0.38
8.	2	10	8	0.40
9.	1	30	7	0.23
10.	3	20	17	0.28

Экологик тадбирларга капитал харажатларни ҳисоблашда амалга ошириш давомийлиги, тадбирни амалга ошириш учун капитал қўйилмаларга эҳтиёж, тадбирни амалга оширишдан олдин олинган зарар миқдорини ҳисоблаш асосида тадбир рентабеллиги ҳисобланади (5-жадвал).

**Биринчи вариант.** Табиатнинг муҳофаза қилиш тадбирларининг олинган жадвалидан кўриниб турибдики, тадбирни амалга ошириш муддати 13 йилга тенг бўлган. Агар инвестиция ҳар йилги ўртача ҳажмдан инвестицияга эҳтиёжни ўртача квадрат оғиши ҳисоб қилинса, у ҳолда 14.24 млн. сўм бўлади, бу эса ҳар йилги ўртача миқдори 28.56 %ини ташкил қилади.


Агар молиявий ресурс етарли бўлганда сон ўқи бошланишидан биринчи вақт даврида алгоритмни ўзгартириб устуворликка қатъий мувофиқ тадбирлар тайинланса, у ҳолда жадвал ўзгаради (2-расм).



<sup>16</sup>Муаллиф ишланмаси.


<sup>17</sup>Муаллиф ишланмаси.

**Иккинчи вариант.** Бироқ бунда дастурни амалга ошириш муддати аввалгидек қолади, инвестициялашнинг ўртача йиллик ҳажмидан ўртача квадрат оғиши кўрсаткичи ҳам ўзгармай қолади. Режалаштириш горизонтида тўққиз йилга тенг бўлган инвестицияларга эҳтиёжни текислаш алгоритмидан фойдаланиб, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишнинг куйидаги жадвалини ҳосил қилиш мумкин (3-расм).



**3-расм. Ўртача йиллик инвестиция ҳажми**<sup>18</sup>

**Учинчи вариант.** Дастурни амалга ошириш муддати тўрт йилга қисқартирилганда (ёки 30,7 %га) ҳисобни аввалги икки вариантга нисбатан инвестициялаш ўртача йиллик ҳажмидан ўртача квадрат оғиш 2 марта кам бўлади: 6,67 млн. сўм, бу эса инвестициялашни ўртача йиллик ҳажмидан 13,3 %ни ташкил қилди.



**4-расм. Ўртача йиллик инвестиция ҳажми**<sup>19</sup>

Бюджет даромадларининг имтиёзли солиқларни жорий этиш ҳисобига йўқотишлар – экологик хавфли маҳсулотлар ишлаб чиқараётган ёки экологик

<sup>18</sup>Муаллиф ишланмаси.


<sup>19</sup>Муаллиф ишланмаси.

хавфли технология ёки жиҳозлар қўлланилаётган корхоналар маҳсулотларини қўшимча солиққа тортишдан келадиган тушумлар ҳисобига қоплаш мумкин.

Тадқиқот ишининг «Иқтисодий-экологик бошқариш механизмларини такомиллаштириш» деб номланган тўртинчи бобда экологик бошқаришни ривожлантириш ва такомиллаштириш масалаларида муҳим табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш мақсадида истиқбол даври прогнози ишлаб чиқилган.

Мамлакатимизда экологик-иқтисодий тизимларни ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишларнинг эконометрик таҳлили асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атмосферага чиқариладиган ифлослантирувчи моддаларнинг 2024 йилгача прогнози ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атмосферага чиқарилган ифлослантирувчи моддалар чиқиш ҳажмининг 2010-2021 йиллардаги динамикаси ҳамда 2026 йилгача прогноз қийматлари куйидаги графикда тасвирланган.




**5-расм. Ўзбекистондаги муҳим табиий ресурсларни кўп омилли функциялар ёрдамида баҳолаш орқали иқтисодий-математик моделлар асосида экологик таъминоти жараёнларининг 2026 йилга қадар прогноз сценарийлари<sup>20</sup>**

Ўзбекистондаги муҳим табиий ресурсларни кўп омилли функциялар ёрдамида баҳолаш орқали иқтисодий-математик моделлар асосида экологик таъминоти жараёнларининг 2026 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган уни 5 ва 6-расмларда кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атмосферага чиқариладиган ифлослантирувчи моддалар ҳажмини прогнозлаш учун куйидаги регрессия функциялари асосида қўйидаги натижалар олинди (6-расм).

<sup>20</sup>Муаллиф томонидан Stata 14 дастури асосида ҳисобланган.



**6-расм. Ўзбекистондаги муҳим табиий ресурсларни кўп омилли функциялар ёрдамида баҳолаш орқали иқтисодий-математик моделлар асосида экологик таъминот жараёнларининг 2026 йилга қадар прогноз сценарийлари<sup>21</sup>**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атмосферага чиқарилган ифлослантирувчи моддаларнинг чиқиш ҳажмини 2026 йилларга прогноз кўрсаткичлари графигида 2022 йилдан бошлаб кўрсаткичлар қизил ва кўк рангларда (сценарий 1 ва 2) ифодаланган.

Тузилган турли прогноз моделларидан энг мақбулини танлаб олиб, прогноз кўрсаткичларини айнан ўша тенглама асосида ҳисоблаб чиқиш лозим. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атмосферага чиқарилган ифлослантирувчи моддаларнинг чиқиш ҳажмини 2021-2024 йилларга прогноз кўрсаткичлари таҳлил қилинса, 2024 йилга келиб атмосферага чиқарилган ифлослантирувчи моддаларнинг чиқиш ҳажми 883.7 минг тоннани ташкил этиб, 2020 йилга нисбатан қарийб 8 фоизга камаяр экан. Демак, «яшил иқтисодиёт»га ўтиш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирларни давом эттириш самарали эканлиги кўриниб турибди.

**6-жадвал  
Ўзбекистондаги муҳим табиий ресурсларни кўп омилли функциялар ёрдамида баҳолаш орқали иқтисодий-математик моделлари асосида экологик таъминоти жараёнларининг 2026 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари<sup>22</sup>**

Йиллар	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атмосферага чиқарилган углерод диоксиди (CO <sub>2</sub> ) ҳисобга олинмаган ҳолда (млн. т. CO <sub>2</sub> - экв./йил)		Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атмосферага чиқарилган метан (CH <sub>4</sub> ) ҳисобга олинмаган ҳолда (млн. т. CO <sub>2</sub> - экв./йил)	
	1-сценарий	2-сценарий	1-сценарий	2-сценарий
2022	94,70	86,60	57,90	54,43
2023	98,50	84,80	62,30	50,97
2024	98,00	83,10	63,50	47,51
2025	101,20	81,30	66,40	44,06
2026	102,40	79,50	69,10	40,61

<sup>21</sup> Муаллиф томонидан Stata 14 дастури асосида ҳисобланган.

<sup>22</sup> муаллиф томонидан Stata 14 дастури асосида ҳисобланган.

2015 йил 12 декабрда Бирлашган миллатлар ташкилоти томонидан Парижда Иқлим ўзгаришлари бўйича доимий конвенция қабул қилинди. Унда муаммони ҳал этишнинг асосий икки йўналиши белгилаб берилди:

атмосферага иссиқхона газлари чиқаришни камайтириш;  
кутилаётган иқлим ўзгаришларига мослашиш.

Битимнинг мақсади глобал ўртача хароратнинг саноатлашишгача (1750 йил) бўлган даражага нисбатан +2 градусгача сақлаб туришдан иборат. Бу 2050 йилга келиб, иссиқхона газларини 40 -70 %га камайтириш ва 2100 йилга бориб, уни 0 га туширишни талаб этади. 2017 йил 19 апрелда Ўзбекистонда Париж Битими имзоланиб, 2030 йилга келиб иссиқхона газлари солиштирма ташланмаларини 2010 йилдаги даражага нисбатан (ялпи ички маҳсулотга) ялпи ички маҳсулот бирлигига 10 %га қисқартириш мўлжалланмоқда. Бу эса «яшил иқтисодиёт»ни шакллантиришга салмоқли хисса бўлади.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни экологик бошқаришнинг ташкилий механизмлари тизимининг энг юқори поғонасида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси туради. Мазкур қўмита экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасида давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Иқтисодиётни экологик бошқариш тизимига ўнга яқин бошқарув идоралари, ташкилотлар киради. Улар ўртасида ваколат ва вазифаларни тақсимлаш жараёни қатор муаммоларни юзага келтиради. Бу муаммоларни бартараф этишнинг энг оқилона йўли саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳалари бўйича кластерлар тузишдир.

М.Портернинг фикрича, кластер – фаолиятнинг туташ турлари билан шуғулланувчи, географик қўшни бўлган ўзаро боғлиқ (етказиб берувчилар, ишлаб чиқарувчилар) ва иқтисодиётнинг муайян соҳаларида ўзаро боғлиқ ташкилотлар (таълим муассасалари, давлат бошқаруви идоралари, инфратузилма компаниялари)дан иборат ташкилий тузилма. Кластернинг асосий ташкил қилувчилари, мамлакат ва минтақалар миқёсида алоқаларни аниқлаш борасида ягона фикр мавжуд эмас.

Ўзбекистон мисолида экологик-қтисодий кластер таркибига атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг давлат ҳокимияти органлари, табиатни муҳофаза қилиш бўйича вазирлик ва идоралар, атроф-табиий муҳитнинг муҳим ресурсларидан (ер, сув, ҳаво, иқлим ва х.к.лар) фойдаланувчи вазирлик, давлат қўмиталари ва уларнинг органлари, атроф-муҳит ҳолати устидан мониторингни амалга оширувчи давлат органлари, алоҳида қўриқланувчи табиий ҳудудлар дирекциялари кириши мумкин.

Экологик-иқтисодий кластерни шакллантириш ташаббускори давлат бўлиши керак, чунки экологик бизнеснинг ўзига хос хусусияти шундаки, табиий ва экологик ресурслар, меҳнат маҳсулотларидан фарқли ўлароқ, инсон томонидан яратилмайди, шунинг учун уни жисмоний шахс ёки бир гуруҳ шахслар ёки, ҳатто, бутун мамлакатлар фуқаролари томонидан уни тўлиқ ўзлаштириш мумкин эмас. Табиат объектлари ресурсларига эгалик

қилиш аҳолининг уларда мужассамлашган хусусиятларига, сифатига эҳтиёжларини қондириш ва оптимал барқарор мувозанатни таъминлашни талаб этади.

Шу муносабат билан давлат-хусусий шериклик асосида экологик-иқтисодий кластерни шакллантириш мақсадга мувофиқ. Ҳамкорлик экологик ва иқтисодий манфаатларнинг қисман ёки тўлиқ мос келишига асосланади.

Юқорида асосланган назарий-услубий ёндашувларни қўллаб, муаллифнинг фикрича, табиий хомашёлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотарини қайта ишлаш жараёнида сувдан фойдаланувчи саноат корхоналаридан иборат экологик кластерларнинг ташкилий тузилмасида экологик хизматлар кўрсатувчи бўлинмалар бўлиши шарт, бундай кластерларнинг қуйидаги модели таклиф этилади:



**7-расм. Сув ресурсларининг иқтисодий-экологик кластери<sup>23</sup>**

Бундай тузилма компания доирасида ҳам иқтисодий ривожланиш, ҳам табиат ресурсларидан оқилона фойдаланган ҳолда атроф-муҳитга зарар етказмаслик, ёки зарар етказилган ҳолатларда уни қоплаш, қайта тиклаш мақсадларига эришиш имконини беради. Натижада жамият ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий самарадорликка эришиб, узоқ йиллар давомида барқарор ривожланиш имкониятига эга бўлиш мумкин.

<sup>23</sup>Муаллиф ишланмаси.

## ХУЛОСА

Иқтисодиётни экологик бошқариш жараёнларининг илмий-методологик асосларини такомиллаштириш бўйича кўйидаги хулосаларга келинди:

1. Назарий тадқиқотларга кўра, «экология» тушунчаси дастлаб организмлар туркумларининг бир-бирлари ва атроф билан ўзаро таъсирида юзага келадиган ўз-ўзини тартибга солиш жараёнларини ифодалаш учун қўлланилган. Экологиянинг асосий қоидалари қуйидагилардан иборат: минимумлик; толерантлик; рақобат истисноси; «энергия эҳроми»; зарурий хилма-хиллик; эволюциянинг қайтарилмаслиги; ташкил этишнинг мураккаблашиши; биогенетика; табиий унумдорликнинг пасайиши ва бошқалар.

2. Экологик менежмент вазифалари қуйидагилардан иборат: ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланиш жараёнларини бошқариш; урбанизация жараёнларини бошқариш; табиий ресурслардан фойдаланиш ҳолатини бошқариш; табиий ресурслар заҳиралари ва уларни тиклаш билан боғлиқ бўлган жараёнларни бошқариш; заҳираларни ташиш ва ишлаб чиқаришни жойлаштиришни бошқариш; илмий-техник тараққиёт натижасида табиатга босим кучайиши ва унда бузилишлар содир бўлиши билан экологик таълимга талаб жиддий ошди; экологик менежмент (ecological management) – бошқаришнинг такомиллашган тизими. У корхонага нисбатан экологик хавфсиз ишлаб чиқариш – худудий мажмуаларни шакллантиришни кўзда тутуди, корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотни ҳам, мазкур комплекснинг ўзини ҳам бутун ҳаётий цикли давомида экологик ва иқтисодий кўрсаткичлар ўртасида оптимал нисбатни таъминлайди.

3. Табиий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлашда агротизимларнинг фойдали иш коэффициентини ошириш қишлоқ хўжалигини юритишнинг адаптив тизимини кенг қўллаш муҳимдир. Қишлоқ хўжалик тизимида табиат муҳофазасининг икки экологик-иқтисодий йўналишини ажратиш мумкин. Яъни, атроф-муҳит ва унинг барча компонентларини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш ва қишлоқ хўжалигини антропоген атроф-муҳитнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш. Рекреация ва даволаш-соғломлаштириш зоналарида уларнинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳит муҳофазаси катта аҳамиятга эга. Рекреация самарадорлигини аниқлашда қуйидагилар ҳар томонлама тўла ҳисобга олиниши керак, яъни тадбирлар мақсади, ижтимоий стандартлар, тадбирлар натижаси, ресурслар харажати ва ресурслардан иборат.

4. Табиий ресурсларни баҳоламаслик ёки қийматини паст баҳолаш ушбу неъматлардан хўжаликларда фойдаланиш экологик омилнинг етарли даражада баҳоланмаслиги тўғрисида гувоҳлик беради ҳамда иқтисодий ўсиш кўрсаткичларини бузиб кўрсатишга олиб келади. Табиий ресурсларни иқтисодий баҳолаш уларни миллий бойлик таркибида ҳисобга олишга имкон яратади. Шунингдек, бундай баҳолаш атроф-муҳитга етказилган реал зарар

миқдорини ҳам аниқлашга ва табиатнинг «рақобатбардошлигини» оширишга кўмаклашади.

5. Иқтисодий экологик бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари ва иқтисодий самарадорлигини баҳолашда аввалом бор иқтисодий экологик бошқариш жараёнларидаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этиш усуллари, миллий иқтисодий экологик бошқаришнинг иқтисодий механизмлари ва унга иқтисодий зиён етказишни аниқлаш усуллари ҳамда иқтисодий самарасини ҳисоблаш каби жиҳатларини чуқур таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

атроф табиий муҳит ҳолати билан боғлиқ бўлган муаммолар дунёдаги барча мамлакатларни унга қарши чора-тадбирлар кўришга ундаяпти ва улар иқтисодий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда атроф-муҳитни соғломлаштириш бўйича дастурлар ишлаб чиқмоқда;

минтақада барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни амалга оширишда экологиялаштириш тараққиёт тақазо қилган қонуниятдир. Чунки биринчидан ижтимоий-иқтисодий ривожланишни янада жадаллаштириш ўзаро муносабатларни (табиат ва жамият) янада таранглашувига ва ресурсларни чекланганлигини ортиб боришига олиб келса, иккинчидан атроф-муҳитни антропоген таъсир остида ифлосланишини кучайтиришга олиб келади.

минтақада иқтисодий тубдан экологиялаштириш энг аввало уни иқтисодий тузилмавий қайта қуриш билан боғлиқ.

6. Табиат муҳофазаси тадбирларини молиялаштиришнинг асоси давлат бюджетлари ҳисобланади. Шунингдек, экология жамғармалари экологик фонднинг республика жамғармаси, маҳаллий жамғармалар, корхоналарнинг экологик жамғармалари, экология суғуртаси, табиий-экологик ресурсларга тўловлар ва атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик учун тўловлар каби молиявий дастаклар мавжуд. Атроф-муҳит ифлосланишининг иқтисодий зиён етказишини аниқлаш усули иқтисодий зарар етказишнинг қиймат шаклида ифодаланган ва эҳтимол тугилаётган зарар кўринишини ёки ушбу зарар кўришнинг компенсациясига сарфланган қўшимча харажатларни таҳлил қилиш ва зарур хулосалар чиқариш йўналиши ҳисобланади. Атроф-муҳит муҳофазаси тадбирларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш уларни амалга ошириш харажатларини ушбу тадбирлар туфайли эришилган иқтисодий натижалар билан таққослашга асосланади. Бу натижа ресурсининг бузилиши ёки йўқотилиши оқибатида содир бўлган иқтисодий зиённи бартараф этиш ёки уларнинг олдини олишнинг ўлчами (миқдори) билан ифодаланади. Мамлакат ҳудудларидаги экологик ҳолатни яхшилаш ҳамда уни бошқариш жараёнларини тартибга солишда атроф-муҳитга етказилиши мумкин бўлган салбий таъсирлар бўйича квоталар бозоридан фойдаланиш орқали бозор дастакларини жорий этиш таклифи ва шартлари асосланган.

7. Экологик менежментга доир ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар таҳлилига кўра, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 19 апрелда Париж конвенциясини имзолаши ушбу халқаро битимни амалга оширишга жиддий

киришганлигини билдиради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил иқтисодиёт»га ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ушбу конвенция ҳуқуқий меъёрларини мамлакатимизда жорий этишга асос бўлди.

8. Экологияни бошқаришнинг иқтисодий механизмлари реал мақсадга эришишда ижрочи ва бажарувчининг моддий манфаатдорлигига асосланади. Шундай механизмларга умумий ҳаракатдаги институтлар (турли кадастрлар, модий-техника ва молиявий таъминлаш тадбирлари, турли тўловлар, кредитлаш, солиққа тортиш бўйича имтиёзлар) ҳамда бозор иқтисодиёти шароитида пайдо бўлган янги белгилар (экологик суғурта, табиат муҳофазаси фондлари, рағбатлантирувчи баҳолар, экологик хизматлар, шартнома муносабатлари ва бошқалар) киради. Экологик бошқаришнинг иқтисодий механизмлари қуйидагилардан иборат:

- табiiй ресурслар ва ердан фойдаланиш учун солиқлар;
- ер ости ресурсларидан фойдаланиш учун солиқлар;
- сув ресурсларидан фойдаланиш учун солиқлар;
- транспорт эгалари ёкилғи учун тўлайдиган солиқлар;
- ҳаво ва сувни ифлослантирганлик учун тўланадиган бадаллар;
- ишлаб чиқариш ва маиший чиқиндилар чиқарилгани учун тўланадиган бадаллар;

ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига етакзилган зарур учун тўловлар.

Тадқиқотда энергетика ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари таркибидаги тузилмавий-технологик жиҳатдан мувофиқликни таъминлаш орқали ҳудудий-маъмурий бошқарув ташкилотларининг экологик-иқтисодий балансини такомиллашти-риш асосида самарасиз ишлатилаётган табiiй ресурслар ҳажмини 20-30%га қадар тежаш имконияти аниқланган. Шунингдек, тадқиқот давомида миллий иқтисодиётни экологик бошқариш механизми таркибига кирувчи атроф-муҳит муҳофазасини амалга ошириш юзасидан режалаштирилган тадбирлар ҳамда уларни молиялаштириш ўртасидаги нисбатни «муҳимлик – қамровлилик – тизимлилик» даражаларига кўра оптималлаштириш таклифи асосланган.

9. Тадқиқотда табiiй хомашёлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш жараёнида сувдан фойдаланувчи саноат корхоналаридан иборат экологик кластерларнинг ташкилий тузилмасида экологик хизматлар кўрсатувчи бўлинмаларни ташкил этиш орқали табiiй ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда иқтисодий ривожланиш асосланган.

10. Иқтисодиётни бошқаришда экологик менежмент усуллари, тамойиллари, илмий ёндашувларини қўллаш қўйилган мақсадларга эришишга ишонарли кафолат беради. Минтақаларда барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни амалга оширишда экологиялаштириш тараққиёт тақазо қилган қонуниятдир, чунки, биринчидан, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни янада жадаллаштириш ўзаро муносабатларнинг (табиат ва жамият ўртасидаги) таранглашувига ва ресурслар чекланганлигининг ортиб

боришига олиб келса, иккинчидан, атроф-муҳитнинг атропоген таъсир остида ифлосланишининг кучайишига олиб келади.

11. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атмосферага чиқарилган ифлослантирувчи моддаларни чиқиш ҳажмини 2022-2026 йилларга прогноз кўрсаткичларини таҳлил қиладиган бўлсак, 2026 йилга келиб 1-сценарий бўйича атмосферага чиқарилган углерод диоксида ( $\text{CO}_2$ ) 102,40 млн. т., 2-сценарий бўйича атмосферага чиқарилган углерод диоксида ( $\text{CO}_2$ ) 79,50 млн.тоннага етиши ҳисобланди. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атмосферага чиқарилган метан ( $\text{CH}_4$ ) 2026 йилга келиб 1-сценарий бўйича 66,40 млн. тоннага, 2-сценарий бўйича метан ( $\text{CH}_4$ ). 44,06 млн. тоннага етиши аниқланди. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, «яшил иқтисодиёт»га ўтиш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирларни давом эттириш самарали эканлиги кўриниб турибди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2020.I.16.02  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ ЭКОНОМИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**  
**ФЕРГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ТАДЖИБАЕВ ЗОКИР МАЛИКОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ НАУЧНО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИХ ОСНОВ  
ПРОЦЕССОВ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО УПРАВЛЕНИЯ ЭКОНОМИКОЙ**

**08.00.13 – Менеджмент**

**АВТОРЕФЕРАТ**

**диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук (DSc)**

**Ташкент – 2023**

Тема диссертации доктора экономических наук (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2022.1.DSc/Iqt330.

Диссертация выполнена в Ферганском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Научного совета ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный консультант:**

**Фаттахов Адхам Азизович**

доктор экономических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Абдурахманов Каландар Ходжаевич**

Академик, доктор экономических наук, профессор

**Йулдошев Нуриддин Курбонович**

доктор экономических наук, профессор

**Хамидов Обид Хафизович**

доктор экономических наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Андижанский машиностроительный институт**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2023 года в \_\_\_ на заседании научного совета DSc.03/30.12.2020.I.16.02 по присуждению ученых степеней при Ташкентском государственном экономическом университете. Адрес: 100066, г.Ташкент, ул. Ислама Каримова, 49. Тел: (99871) 239-01-49; факс: (99871) 239-41-23; e-mail: [tdiu@tsue.uz](mailto:tdiu@tsue.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного экономического университета (зарегистрировано № \_\_\_\_). Адрес: 100066, г.Ташкент, ул. Ислама Каримова, 49. Тел.: (99871) 239-28-74)

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2023 года.  
(протокол реестра № \_\_\_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2023 года).

**Г.К. Абдурахманова**

Председатель Научного совета  
по присуждению ученых  
степеней, д.э.н., профессор

**Р.Х. Карлибаева**

Ученый секретарь Научного  
совета по присуждению ученых  
степеней, DSc, профессор

**Ш.Дж. Эргашходжаева**

Председатель Научного  
семинара при Научном совете по  
присуждению ученых степеней,  
д.э.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В условиях чрезмерного ускорения процессов глобализации в мире рост масштабов производства и населения являются основными факторами, обусловившими резкое усиление антропогенного воздействия на природу, что приближает современное общество к экологическому кризису. В целях ликвидации экологического кризиса возрастает потребность во всесторонней, полной и всесторонней оценке и управлении расходами природных ресурсов на хозяйственную деятельность и экологическими отходами. «Несомненно, тема экологии чрезвычайно важна в современном мире: глобальная проблема загрязнения окружающей среды может быть решена только совместными усилиями абсолютного большинства стран мира. Европейский союз является примером скоординированной политики по доведению производства и потребления до требуемого стандарта, снижению выбросов не менее чем на 55 % в 2030 году по сравнению с уровнем 1990 года в рамках «Европейского зеленого соглашения»<sup>1</sup>. Хотя страны, выделяющие больше бюджетных средств на эти цели, безусловно, имеют преимущества, все же существует не так много профилактических программ, которые касаются будущего всего человечества. Хотя такие программы и существуют в некоторых странах или регионах (например, Евросоюзе), в настоящее время они носят локальный характер, и остается актуальным создание научной концепции устойчивого развития, которая направлена на решение экологических проблем – важных, но не единственных аспектов устойчивого развития.

В мире в современных условиях проводятся научные исследования, направленные на обеспечение экологического баланса, что является важным условием социально-экономического развития, и повышение эффективности природопользования, которое становится важным фактором производства. Компоненты процессов экологического управления экономикой, их взаимосвязи и конфликты, их функционирование как целостного механизма, концепция экологизации национальной экономики, экономические и организационные механизмы стимулирования экологического предпринимательства характеризуются системой институционально-экологической стандартов, развитие рынка квот на загрязнение окружающей среды является одним из приоритетных направлений научных исследований.

В Узбекистане особое внимание уделяется вопросам экологии и охраны окружающей среды, создания «зеленой экономики» в целях обеспечения устойчивого социально-экономического развития. В 80-й цели Стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы предусмотрен ряд важных задач, связанных с «Экологией и охраной окружающей среды, улучшением экологической обстановки в городах и районах, реализацией

---

<sup>1</sup>Соколов Р.Н., Рогожина Е.М., Тихомирова А.Д. — Современная экологическая политика Евросоюза: борьба за ресурсы и конфликт интересов в различных сегментах рынка // Конфликтология / nota bene. – 2022. – № 2. – С. 75-86. DOI: 10.7256/2454-0617.2022.2.37793 EDN: NECUFB URL: [https://nbpublish.com/library\\_read\\_article.php?id=37793](https://nbpublish.com/library_read_article.php?id=37793)

общенационального проекта «Зеленое пространство»<sup>2</sup>. Эффективная реализация этих задач требует комплексного учета социально-экономических и экологических факторов при организации и оценке использования природных ресурсов страны, параметрической многофакторной оценки эффективности использования земель, рационального принятия решений, формирования эффективной структуры управления, в рамках этих социально-эколого-экономических систем требует осуществления научно-исследовательской деятельности, направленной на совершенствование инновационного управления процессом.

Диссертационная работа послужит в определенной степени реализации задач, намеченных в указах Президента Республики Узбекистан № УП-60 «О Стратегии развития нового Узбекистана на 2022–2026 годы» от 28 января 2022 года, №УП-6061 «О мерах по коренному совершенствованию системы земельного учета и государственного кадастра» от 7 сентября 2020 года, №УП-5024 «О совершенствовании системы государственного управления в области экологии и охраны окружающей среды» от 21 апреля 2017 года, постановлениях №ПП-3956 от 3 октября 2018 года «О дополнительных мерах по совершенствованию системы государственного управления в области экологии и охраны окружающей среды», №ПП-2915 «О мерах по обеспечению организации деятельности Государственного комитета экологии и охраны окружающей среды Республики Узбекистан» от 21 апреля 2017 года, постановлениях Кабинета Министров Республики Узбекистан №794 «О мерах по развитию системы цифровизации в агропромышленном комплексе и сельском хозяйстве Республики Узбекистан» от 18 декабря 2020 года, № 29 «Об утверждении Положения о Государственном комитете по экологии и охране окружающей среды Республики Узбекистан» от 15 января 2019 года, № 958 от 26 ноября 2018 «О мерах по дальнейшему развитию научно-исследовательской базы в области экологии и охраны окружающей среды» и других нормативно-правовых документах, связанных с данной деятельностью.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлениям развития науки и технологии республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации.** Научные исследования по совершенствованию научно-методических основ процессов экологического управления экономикой осуществляются ведущими мировыми научными центрами и высшими учебными заведениями, такими как Global Food Policy Research Institute, Washington DC, Harvard University, New York University, Michigan State University (США), Oxford University, University of Manchester, London school of Economics

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони. – [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

(Великобритания), Organisation for Economic Cooperation and Development (OECD) (Франция), Toronto University (Canada), University of Vaseda (Япония), Российская сельскохозяйственная академия имени Г.В.Тимирязова, в Российский экономический университет имени Г.В.Плеханова (Россия), Институт прогнозирования и макроэкономических исследований, Ташкентский государственный аграрный университет, Ташкентский государственный экономический университет, Ташкентский финансовый институт.

В ходе научных исследований, проводимых по совершенствованию научно-методических основ процессов экологического управления экономикой в мире получены следующие научные результаты: обеспечение безопасности пищевых продуктов, снижение загрязнения окружающей среды Rurbonomics – International Food Policy Research Institute, IFPRI, Washington), устойчивое развитие экономики сельского хозяйства, повышение продуктивности сельскохозяйственных культур (Toronto University), система показателей социально-экономического-экологического управления (Российский экономический университет им. Г.В.Плеханова), создание кластеров по переработке сельскохозяйственной продукции в регионах (ТГЭУ), экологические аспекты инновационного управления земельными ресурсами (Ферганский государственный университет).

В мире проводится ряд научных исследований по совершенствованию научно-методических основ процессов экологического управления экономикой, в том числе по следующим приоритетным направлениям: обеспечение экологического баланса, что является важным условием социально-экономического развития; повышение эффективности природопользования, которое становится важным фактором производства; компоненты процессов экологического управления экономикой, взаимозависимости и противоречия между ними, обеспечивающие их функционирование как целостного механизма; формирование экономических и организационных механизмов стимулирования экологического предпринимательства, характеризующихся концепцией экологизации национальной экономики, системой институционально-экологических стандартов; развитие рынка квот на загрязнение окружающей среды.

**Степень изученности темы.** Научно-теоретические, методологические и практические аспекты эффективности производства всегда находились в центре внимания ученых и практиков. Проблемы эффективной организации общественного производства исследованы такими учеными, как У.Петти, А.Смит, Д.Рикардо, Ж.Б.Сей, Ф.Визер, Л.Вальрас, А.Маршалл, Дж.Б.Кларк, В.Парето, Й.Шумпетер, Ф.Найт и другие.

Научные труды ученых, таких как Т.А.Акимова, О.Ф.Балацкий, С.Н.Бобылев, В.И.Данилов-Данильян, А.А.Голуб, К.Г.Гофман, А.А.Гусев, М.Я.Лемешев, Н.Н.Лукьянчиков, А.Пигу, Е.В.Рюмин, Т.С.Хачатуров, Н.В.Чепурных, О.С.Шимова, К.В.Папенов, Я.Я.Яндыганов, И.Гирусов,

П.Б.Олдак и другие, посвящены исследованию и поиску путей устойчивого развития экологического управления<sup>3</sup>.

С.С.Гулямов, У.П.Умурзаков, А.С.Алтиев, С.А.Авезбаев, Н.К.Юлдошев, Р.Султонов, К.Н.Абиркулов, Т.Жумаев, Н.Р.Ражабов, И.А. Носиров и другие проводили исследования по применению экологического менеджмента в Узбекистане<sup>4</sup>.

В научных подходах вышеуказанных зарубежных и отечественных ученых, организационно-экономические механизмы экологического управления, методологические аспекты интенсивного освоения, использования кластерной системы в эффективном использовании природных ресурсов в нашей республике изучены в той или иной степени.

